

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ЗАРМАМАТ ТҮЙМУРАДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ШАРОИТИДА
ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Кенжаев Зармамат Тўймурадович

Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий

маданиятининг шаклланиши 3

Кенжаев Зармамат Тўймурадович

Формирование политической культуры молодежи Узбекистане в условиях

плюрализма мнений 19

Kenjayev Zarmamat To‘ymuradovich

Formation of political culture of youth in Uzbekistan in conditions of pluralism of

opinions 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ЗАРМАМАТ ТҮЙМУРАДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ШАРОИТИДА
ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fal487 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Айматов Аминжон Қудратович,**
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: **Саидқосимов Акбар Исаханович,**
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор
Базаров Отабек Хасанбаевич,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Термиз давлат университети**

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлар доктори (DSc), профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлар доктори (DSc), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда инсоният глобал ахборот замонида яшамокда. Ахборот оқимининг жадал суратларда ошиб бориши фикрлар хилма-хиллиги, плюрализмни юзага келтириши табиийдир. Бу жараён демократиянинг атрибутив хоссаси ва талаби бўлиш билан бир қаторда фикрлар хилма-хиллиги шароитида фикрлардаги конструктив ва деструктив мақсадларни тўғри ажратиш ва уларга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ижтимоий-фалсафий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан, бир томондан, фуқароларнинг сиёсий онгини ривожлантириш йўлларини, иккинчи томондан, ёшлар сиёсий маданиятини такомиллаштириш вазифаларининг мақбул моделларини аниқлаш зарурияти юзага келмоқда.

Жаҳон илм-фанидаги назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фикрлар хилма-хиллигининг сиёсий маданиятга таъсирини ўрганиш муаммосида турли фанларнинг биргаликдаги аралаш тадқиқотлари (политологик, психологик, конфликтологик, социологик, юридик, педагогик ва ҳ.к.) доирасида билимлар мавжуд бўлган. Бугунги кунда эса илмий жамоатчилик томонидан сиёсий плюрализмнинг турли моделлари, ушбу ҳодисанинг табиати, сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг субстанционал, бирламчи моҳияти ҳақидаги яхлит тасаввурини шакллантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Айниқса, илмий билишда фикрлар хилма-хиллигининг актив ва пассив шакллари, фикрлар хилма-хиллигини шакллантириш сиёсий ва ижтимоий жиҳатларининг таҳлили устуворлиги кўзга ташланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, ғоявий плюрализм ҳодисасининг назарий ва амалий жиҳатларини сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик сингари фалсафий категориялар асосида илмий тадқиқ этиш ҳозирги замон илм-фани олдида турган муҳим концептуал аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг фикрлар хилма-хиллигига асосланиши ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишида муҳим омилдир. Лекин, унинг амалга ошиши стихияли жараён эмас. Бу таркибий ва функционал жиҳатдан узвий алоқадор бўлиб, ўзига хос сиёсий воқеликни пайдо қилади, мазмун бахш этади. Ёшларда ўзига бўлган ишонч ҳиссининг янада ортишига хизмат қилади. Шунга кўра, биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон «2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 30 октябрдаги ПҚ-4501-сон

¹Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – Б.386.

«Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг турли жиҳатлари жумладан, а) сиёсий институтлар хилма-хиллиги; б) мафкуралар хилма-хиллиги; в) фикрлар хилма-хиллигининг долзарблиги бугунги кунда мавзуга эътиборни ниҳоятда кучайтирмоқда. Хорижда ҳам бу масалаларга бўлган қизиқиш жуда кучли бўлиб, соҳага доир муҳим ишлар олиб борилган. Ёшларнинг мустақил ижтимоий қатлам сифатида ижтимоий-сиёсий фанлар таркибида махсус тадқиқ этилиши XX асрнинг 20 – 30-йилларидан бошланган. Шу муносабат билан жаҳон илм-фанида кўплаб илмий изланишлар амалга оширилди ва натижалари маълум қилинди. Хусусан, Маргарет Мид, Ҳенри Героукс ва Майк А.Мейлс, немис олимларидан Н.С.Кон¹ ва Корн Манхэйм асарлари эътиборга лойиқ.

МДҲ мамлакатларида ҳам кўплаб илмий изланишлар амалга оширилди. Жумладан, П.И.Бобочкин, А.Д.Плотников, С.А.Биков, Л.А.Журавлева, О.И.Иванов, И.Г.Васильев, С.Н.Иконникова, А.И.Ковалева, В.А.Луков, В.В.Нехаев, Г.В.Куприянова, В.И.Чупров, Ю.Зубов сингари Россия олимлари томонидан ёшлар социологияси, уларнинг этник ва эстетик қарашлари ҳамда муҳолифат мафкуралари, ёшлар сиёсати амалиёти, жамият ривожига ёшлар ташкилотларининг ижобий ва салбий таъсири масалалари, ёшлар орасидаги деструктив ғояларнинг мазмуни, хусусиятлари² асослаб берилди.

¹ Margaret Mead. *People and Places* (1959); Margaret Mead. *Continuities in Cultural Evolution* (1964); Margaret Mead. *Culture and Commitment* (1970), Henry Giroux. *Schooling and the Struggle for Public Life*. (1988); Henry Giroux. *Border Crossings: Cultural Workers and the Politics of Education*. (1992); Henry Giroux: *Between Borders: Pedagogy and the Politics of Cultural Studies* (with Peter McLaren) (1993); Henry Giroux. *Disturbing Pleasures: Learning Popular Culture*. (1994); Henry Giroux. *The Abandoned Generation: Democracy Beyond the Culture of Fear*. (2004); Henry Giroux. *Terror of Neoliberalism*. (2004); *Against the New Authoritarianism*. (2005); Henry Giroux. *Beyond the Spectacle of Terrorism: Global Uncertainty and the Challenge of the New Media*. (2006); Henry Giroux. *Stormy Weather: Katrina and the Politics of Disposability*. (2006); Henry Giroux. *The University in Chains: Confronting the Military-Industrial-Academic Complex*. (2007), Mike A. Males. *Kids And Guns*. Common Courage Press, 2001; Mike A. Males. *The Scapegoat Generation: America's War On Adolescents*, 1996; Mike A. Males. *Framing Youth: 10 Myths About the Next Generation*. Common Courage Press, 1999; Mike A. Males. *Smoked: Why Joe Camel Is Still Smiling*. Common Courage Press, 1999, Кон Н.С. Социология молодежи. В кн.: *Краткий словарь по социологии*. – М.: 1988.

² Бобочкин П.И., Плотников А.Д. Положение молодой семьи в Российской Федерации, 2001 год (По итогам социологического исследования «Положение молодой семьи в Российской Федерации в 2001 году»). – М.: 2002; Биков С.А. Наркомания среди молодежи как показатель дезадаптированности // Социс, 2000. №4; Журавлева Л.А. Факторы и условия наркотизации молодежи // Социс, 2000. №6; Иванов О.И., Васильев И.Г. Динамика социальной напряженности в отношениях молодежи и общества (основные положения концепции исследования) // Регион: Политика. Экономика. Социология. 2000. №1-2; Иконникова С.Н. Молодежь как социальная категория. С.Н. Иконникова, И.Р. Кон-М., 1970; Ковалева А.И., Луков В.А. Социология молодежи: теоретические вопросы. – М.: Социум, 1999; Нехаев В.В., Куприянова Г.В. Государственная

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати масаласи С.Жўраев, жамиятда ёшлар ва сиёсий маданият билан боғлиқ айрим жиҳатлари Э.Бобомуродов, С.Жўраев, З.Қодирова, Л.Тангриев, Д.Ж.Бўронова, Б.Х.Жўраев, Н.Н.Ҳасанов, Ш.А.Эрматов, Э.Х.Бобомуродов, А.Азизхўжаев, Т.Т.Алимардонов, Х.Б.Бобоев, Р.З.Жумаев, Т.А.Жўраев, Н.Қ.Жўраев, Н.Комилов, Ф.Мусаев, С.Мамашокиров, Қ.Н.Назаров, С.Отамуродов, Ш.И.Пахруддинов, М.Қирғизбоев, А.Холбеков, И.Худойбердиев, И.Эргашев, Н.Т.Умарова, У.Н. Мухаммадиев, А.Муминов, Л.Н.Джураев, Ш.Ш. Негматова, Г.У.Шерниязоваларнинг тадқиқот ишларида¹ ёритиб берилган.

Б.Х.Жўраев Ўзбекистонда жамиятнинг демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммосини, Н.Н.Ҳасанов истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлилини, Ш.А.Эрматов Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнлардаги иштирокига оид масалаларни тадқиқ этди.

Мавжуд адабиётлар, манбалар ва амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар, сиёсий маданият масалалари турли фан соҳаларида ўрганилган бўлса-да, айнан Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм, сиёсий плюрализм)нинг ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишига таъсири муаммоси ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганилмаган йўналишлардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда мазкур муаммо тадқиқот объекти қилиб олинди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот

служба по делам молодежи: возникновение, структура, направления деятельности (Историко-правовой аспект). –Тула, 2000; ЧупровВ.И., Зубов Ю.А. Молодежь в общественном воспроизводстве, проблемы и перспективы. – М., 2000;

¹ Тангриев Л. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Сиёс. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 2000; Бабамуротов Э.Х. Духовные обновление общества и изменение общественной психологии молодежи Узбекистана (социально-философский анализ). Авт. дисс. на соис. уч. степ. док. ф.н. –Т.: 1997; Кодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Авт. на соиск. уч. степ. д. филос. н. –Т.: 2000; С. Жўраев. Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт. Сиёс. ф. док. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 1994; Н.Н. Ҳасанов. Истиқлол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили. Соц. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 2007; Д.Ж. Бўронова. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари. (Ўзбекистон мисолида). Сиёс. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 2009; Б.Х.Жўраев. Ўзбекистонда жамиятнинг демократиялашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси. Сиёс. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 2004; А. Эрматов. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. Сиёс. ф. н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Т.: 2007. Н.Т. Умарова. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор стереотипларининг ўрни (Ўзбек миллати мисолида). Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 1998. -159; У.Н. Мухаммадиев. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2002. -125; Л.Н.Джураев. Замонавий ўзбекистон жамиятида ёшлар иқтисодий маданиятининг трансформациялашувида инновация социомаданий феномен сифатида Автореф. дисс. Фалсафа ф.д. –Сам.: 2021. – 75 б. А. Муминова. Национальная политика независимого Узбекистана и пути ее реализации духовно-культурной сфере (теория и практика). Автореф. дисс. док... полит. наук. –Т.: 1999. – 44 с. Негматова Ш.Ш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: фалс.ф.док. .автореферати. –Самарқанд.: СамДУ, 2018.

ишлари режасига мувофиқ (2021 йил 30 августдаги №1-сонли қарори асосида тасдиқланган) «Маънавий тарбиянинг методологик асослари» (2021 – 2025) мавзусидаги тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) шароитида ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: «Фикрлар хилма-хиллиги» (плюрализм) ва ёшлар сиёсий маданияти шаклланишининг ўзаро боғлиқлиги тушунчаси ҳамда моҳиятини таҳлил этиш;

«Ягона фикр»ни мутлоқлаштириш, «Фикрлар хилма-хиллигини тан олмаслик» ёки уни инкор этиш демократик сиёсий маданиятга зид ҳолат эканлигини ёритиш;

фикрлар хилма-хиллигининг демократик сиёсий ҳаёт соҳаларидаги кўринишларида ёшлар сиёсий маданиятининг намоён бўлишини ёритиш;

сиёсий плюрализмнинг демократик ва нодемократик кўринишини қиёсий таҳлил этиш;

ёшлар сиёсий маданиятидаги демократик конструктив ҳолатларни «фикр-ғоя-мафкура-сиёсат» тизимида ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши, ёшлар, сиёсий маданияти билан боғлиқ унга таъсир этувчи сиёсий ҳокимият ресурслари, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши жараёнларини фалсафий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда диалектика, кузатиш, солиштириш, қиёсий ва тизимли таҳлил, социологик сўров, умумлаштириш каби илмий илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

жамиятда фикрлар хилма-хиллигини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарурий шарти сифатида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили эканлиги, ёшларнинг сиёсий маданиятида плюрализмнинг конструктивлик ва деструктивлик ҳолатлари «фикр-ғоя-мафкура-сиёсат» тизимига кўра далилланган;

фикрлар хилма-хиллиги субъектларининг сиёсий маданият билан ўзаро алоқадорлиги, муаммога доир фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг секуляристик, унификациялашган фалсафий атрибутлари ва замонавий технологияларга асосланган креатив усуллари аниқланган;

ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиш даражаси, тавсифи, фикрлар хилма-хиллигидаги мураккабликлар ва хусусиятлар, сиёсий маданиятининг демократик (хур-фикрлик, сиёсий жараёнларга эркин иштирокчилик) ва нодемократик (сиёсий ҳуқуқлардаги тўсиқ) кўринишлари билан боғлиқ ҳолатларнинг дифференциал ва тизимли таҳлилини амалга ошириш орқали

ушбу кўринишларнинг ёшлар ижтимоий мақомига таъсири фалсафий асосланган;

ёшлар сиёсий мақсади, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари тизими хилма-хиллигининг генезиси ва улар ўртасидаги детерменистик алоқадорлик фалсафий жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданияти шаклланишининг мазмуни, таркиби, ижтимоий аҳамияти аниқланган бўлиб, бу натижалар таълим ва тарбия масалаларида сиёсий маданиятга доир ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўтайди;

илмий тадқиқотда Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг миллийликка хос хусусиятлари умумлаштирилган, мамлакатда ёшлар сиёсий маданиятига таъсир этувчи механизмлар асосланган бўлиб, бу натижалар сиёсий маданиятни такомиллаштиришга мутасадди ташкилотларнинг йиллик фаолияти йўналишларини белгилашда қўл келган;

диссертацияда ёшлар сиёсий маданиятининг демократик ва нодемократик кўринишлари илмий таҳлил қилинган ҳамда янги Ўзбекистон шароитида сиёсий маданиятини оширишнинг замонавий моделини шакллантириш зарурияти исботланган бўлиб, бу натижалар давлат сиёсатининг ёшлар сиёсий маданиятини амалга оширишига доир фаолиятларида қўлланилган;

тадқиқотнинг асосий амалий натижаси фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилгани билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг натижалари ёшлар сиёсий маданияти, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги билан боғлиқ мавзулардаги илмий-амалий анжуманларда, давра суҳбати, дебат ва амалий семинар-тренингларда унинг муҳим ғоялари, хулосалари жорий этилгани, ёшлар муаммосига доир тадбирлардаги чиқишларда ўзининг ифодасини топгани ҳамда тегишли ташкилотлардан хулосалар олингани билан белгиланади.

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, сиёсий воқеликда фикрлар хилма-хиллигини ёшлар сиёсий маданияти шаклланишида муҳим омил сифатида ўрганилганлиги унинг моҳиятини сиёсий-фалсафий фанларда чуқурроқ ўрганишга ва билишга ёрдам бериши билан илмий қимматга эга бўлиб, ёшларда сиёсий воқеа ва ҳодисаларни баҳолашда, сиёсий компетентлик, масъулият, сиёсий бағрикенглик, демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини, миллий-маданий хусусиятларини ўрганувчи фанларнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертацияда илгари сурилган ғоялар, назарий хулоса ва амалий тавсиялардан ёшлар сиёсий маданиятини такомиллаштиришга доир давлат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳаларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ёшлар сиёсий маданиятини такомиллаштириш мақсадида мутасадди ташкилотлар фаолиятида, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан ўтиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда, назарий ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш борасида олинган илмий натижалар асосида:

жамиятда фикрлар хилма-хиллигини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарурий шarti сифатида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили эканлиги, ёшларнинг сиёсий маданиятида плюрализмнинг конструктивлик ва деструктивлик ҳолатлари «фикр-ғоя-мафкура-сиёсат» тизимида кўра далилланганлигига доир хулосалар, таклиф ва тавсиялардан “Ижтимоий фалсафа” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 89-06-758-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар сиёсий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

фикрлар хилма-хиллиги субъектларининг сиёсий маданият билан ўзаро алоқадорлиги, муаммога доир фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятини юксалтиришнинг секуляристик, унификациялашган фалсафий атрибутлари ва замонавий технологияларга асосланган креатив усулларида оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2022 – 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2022 йил 18 мартдаги 02/02-34-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди дастурини такомиллаштиришда партиянинг маънавий-ғоявий асосини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, мафкуравий тарғибот ишларини такомиллаштириш, партия ходимлари дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган ўқув семинарлари ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек жамиятда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ дастур ва лойиҳаларни тайёрлашда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

ёшларнинг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари тизими сиёсий воқелик ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиш даражаси, тавсифи, фикрлар хилма-хиллигидаги мураккабликлар ва хусусиятлар, сиёсий маданиятининг демократик (хур-фикрлик, сиёсий жараёнларга эркин иштирокчилик) ва нодемократик (сиёсий ҳуқуқлардаги тўсик) кўринишлари билан боғлиқ ҳолатларнинг дифференциал ва тизимли таҳлилини амалга ошириш орқали ушбу кўринишларнинг ёшлар ижтимоий мақомига таъсири асосланганлигига доир хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат

марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури IV йўналишига оид Маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари 47-банди “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” дастури доирасида мультимедиа маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 6 июлдаги 02/02/1162-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришга ва уларнинг онгу-тафаккурини кенгайтиришга йўналтирилган фаолият самарадорлигига хизмат қилган;

ёшлар сиёсий мақсади, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари тизими хилма-хиллигининг генезиси ва улар ўртасидаги детерменистик алоқадорликка оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йилги фаолият дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 2-13-23-2658-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика, 2 та хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, саккизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг «**Фикрлар хилма-хиллиги ва ёшлар сиёсий маданияти ўзаро алоқадорлигини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари**» деб

номланган биринчи бобида ижтимоий жараёнларнинг маъно-моҳияти, ривож, ҳаракат йўналишини ўзгартиришда, зиддиятли ва низоли ҳолатларни бартараф этишда ёшлар қудратли куч бўлиб, фикрлар ранг-баранглиги асосида иштироки билан устувор мавқени эгаллаши; Ўзбекистонда ёшларга алоҳида ижтимоий қатлам сифатида қаралиши ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши ва унинг ўзига хос томонларини ўрганиш масалаларини долзарблаштириши; сиёсий маданиятнинг ривожланганлик даражаси давлат ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи омиллари илмий таҳлил қилинган.

Фикрлар хилма-хиллигидаги икки жиҳатни: 1) турли қараш, мақсад ва манфаатларни ифода этишини; 2) ана шу мақсад, манфаатлардан муштаракликнинг диалектик боғлиқ бўлиши зарурлиги эътироф этилиши; жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг фикрлар хилма-хиллигига асосланиши ёки асосланмаслиги сиёсий маданиятга, хусусан ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишига бевосита таъсири; ҳар қандай халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмаслиги назарий асосланган. Шунингдек, ёшларни янгича сиёсий институтлар, мафкуралар хилма-хиллиги асосида унинг талабларига жавоб берадиган демократик сиёсий маданиятнинг шаклланиш давомийлигини амалда таъминлаб борадиган муҳит яратилгани асосланган. Бунда қуйидаги омиллар: 1) сиёсий институтларга; 2) сиёсий институтлараро муносабатларга; 3) сиёсий институтларнинг ёшлар билан ишлашига; 4) жамоат бирлашмалари олдига; 5) ёшларнинг сиёсий ҳаётга қарашидаги ёндашуви, мақсад ва вазифаларини тўғри тушуниб олишига; 6) мамлакатда белгиланган ислохотларнинг қандай амалга оширилишига (эволюцион; инқилобий ва ҳ.к.) 7) давлатнинг бош ислохотчилик ролининг амал қилишига; 8) ёшларнинг сиёсий онг ва маданиятдаги ўзгаришларга, уларнинг олдига қўйган сиёсий идеаллари, кадриятларига; 9) ёшларнинг турли сиёсий институтларда иштироки (фаол, пассив); 10) демократик сиёсий тамойилларни қадрлаши, унга таяниб фаолиятда бўлишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини миллий манфаатлар билан уйғун ҳолда кўриши ҳамда фуқаролик позициясига эга бўлиши, сиёсий маданиятининг шаклланиши ва намоён бўлиши аниқланган.

Ёшларнинг сиёсий жараёнларга бўлган муносабатида сиёсий ҳаётнинг барча ҳодисаларини баҳолаш, тўғри англаш ва тушуниш, сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни билиш турли хил кўринишларда: 1) сиёсатни англаш орқали; 2) сиёсий иштироки орқали; 3) сиёсий фаоллик орқали ҳамда сиёсатга иттифоқчилик ёки таъсири орқали шаклланади. Ёшларнинг сиёсий ҳуқуқ ва мажбуриятларига муносабати асосида сиёсий фаолияти амалга ошади. Ёшларнинг сиёсий фаолияти жараёнида миллий кадрият сифатида сиёсатга, ундаги талабларга нисбатан муносабат шаклланади ва уни жамиятнинг сиёсий ҳаётига татбиқ этишга ундайди. Диссертацияда ушбу ҳолатларга

тарихийлик, мантиқийлик, миллийлик ва умуминсонийлик мезонлари асосида ёндашилган.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги янги авлод ўқув адабиётларини яратишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозимлиги: 1) сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг турли мамлакатлардаги ҳолати ҳамда мазкур масалага хорижий олимларнинг ёндашувлари; 2) мамлакатимизда ва хорижда нашр қилинган юридик, сиёсий ва фалсафий адабиётларда сиёсий-ҳуқуқий маданият мазмун-моҳиятининг ифодаланиши; 3) инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда хориж тажрибасидан фойдаланиш; 4) сиёсий-ҳуқуқий маданиятга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш; 5) Халқаро меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон қонунларида сиёсий-ҳуқуқий маданият масалаларининг ифодаланишини ўрганиш асосидаги натижалар қиёсий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни фикрлар хилма-хиллигига асосланишининг ёшлар сиёсий маданиятига таъсири**» деб номланган иккинчи бобда «фикрлар хилма-хиллиги»нинг кенг қамровли кўринишлари: 1) сиёсий воқеа ва ҳодисаларни турлича изоҳлаш, тушунишга ва талқин этишга асосланган эзгу, соғлом фикрлар; 2) ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ фикрнинг соғлом ва носоғлом талқинлари, мақсадлари билан бир-биридан фарқ қилиши, яъни бир-бирига қарши ва ихтилофли шакллари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳалари билан алоқадор бўлиши ёритилган. Шунга кўра, сиёсий маданият нуқтаи назаридан ҳар иккала ҳолатни ҳам эътироф этган ҳолда, қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинади: **биринчидан**, фикрлар хилма-хиллиги демократик характерга эга бўлиб, фикрнинг маъно-мазмуни, мақсад ва манфаати нуқтаи назардан бир-биридан фарқ қилиши; **иккинчидан**, фикрлар хилма-хиллиги умум эътироф этилган демократик мақсад ва тамойилларга зид бўлмаслиги; **учинчидан**, фикрда яққаҳоқимликка интилиш, фикр эркинлиги ва хилма-хиллигини тан олмаслиги мутлоқ ҳақиқатни даъво қилиш моҳияти жиҳатидан демократияга зидлиги; **тўртинчидан**, фикрлар хилма-хиллиги, фикрдан – фикрнинг фарқи борлигини инкор этмаслиги, аксинча, уни ҳисобга олиш ёшлар ҳаётида уларнинг асосий маданиятининг шаклланишида муҳимлиги; **бешинчидан**, фикрлар хилма-хиллиги «эзгу фикр, эзгу иш, эзгу амал»га хизмат қилса, жамият ижтимоий ҳаётида турли манфаатларнинг муштараклашишида муҳим ўрин тутиши, акс ҳолда жамият ҳаётида айрим сиёсий муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши илмий асосланган.

Ёшларнинг сиёсий ҳаётида фикрлар хилма-хиллиги шароитида унинг кўринишларига: а) баҳс; б) фикрга яқинлашиш ёки узоклашиш; в) фикрни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ёки қилмаслик; г) компромис; д) фикрда қатъий туриш ҳолати; е) фикрда консенсусга эришиш имкониятлари билан боғлиқлиги, фикрлар хилма-хиллигини яқинлаштиришга халақит қиладиган омиллар: 1) ягона фикрни мутлоқлаштириш; 2) фикрни тўғри тушунмаслик

орқали намоён бўлиши мумкинлиги очиқланган. Ёшларнинг сиёсий маданиятида хилма-хил фикрларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиладиган институтлар: 1) миллий манфаатларни амалга ошириш; 2) демократик, сиёсий институтлар; 3) мулоқот, баҳс маданияти; 4) манфаатларни тўғри англаш, худбинлик, эгоизм, эгоцентризм, сепаратизм, агрессив миллатчилик кайфиятидан халос бўлиш; 5) маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишлик иллатларидан халослик; 6) лоқайдлик, сотқинлик ҳолатларига чек қўйиш; 7) ярашиш институти; 8) миллий ўзликни англашга эришиш; 9) сиёсий ирода, хоҳиш-истакдаги муштарак нуқталарга ўзаро миллий манфаат орқали баҳо бериш маданияти ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

Маълумки, ижтимоий муассасаларнинг фаолият жараёни ва натижадорлигини инсон шахсини ривожлантириш мақсадлари ташкил этади. Ҳозиргача бўлган амалиёт эса бирор-бир ташкилот фаолиятининг бошқа муассасаларда амалга оширилаётган иш билан уйғунлашмаган ва боғланмаган ҳолда кечаётганлигини кўрсатмоқда. Шунга кўра, ижтимоий ривожланиш масаласининг мақбул ечимлари қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилган: 1) давлатимиз томонидан ижтимоий ривожланиш учун яратиб берилаётган қулай иқтисодий, интеллектуал ҳамда сиёсий эркинликларга мутаносиб даражадаги жамият фаоллигини таъминлашга эришиш; 2) турли ижтимоий тузилмаларда Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган жадал юксалиш жараёнларининг ҳар бир инсон кесимида амалга ошишини таъминлаш учун аниқ режа ва «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш; 3) ҳар бир таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда «Мен бугун ва эртага қандайман» шиори остида индивидуал тараққиёт режаларини тузиш; 4) ҳар бир маҳалла, оила ва мактабда боланинг 5 – 7 ёшлигидан бошлаб, аниқ мақсадини шакллантиришга эришиш; 5) китобхонлик маданиятини вертикал асосларда эмас, балки горизонтал асосларда, яъни «ота китобхон – бола китобхон», «ўқитувчи китобхон – ўқувчи китобхон», «ака китобхон – ука китобхон» тарзидаги ёндашувни, яъни ибрат омилини қўллаш орқали тарғиботини кучайтириш.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ёшларнинг ғоявий плюрализмнинг хилма-хил фикрларида конструктивлик жиҳатлари ва сиёсий маданиятдаги янгиланишлар: муаммо ва ечимлар**» деб номланган бўлиб, сиёсий маданиятнинг юксалишида: 1) демократлаштириш; 2) эркинлаштириш; 3) фуқароларнинг ижтимоий- сиёсий фаоллиги; 4) сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши билан бирга сиёсий партияларнинг етуклик даражаси ҳамда мамлакатнинг тақдири ва келажагига дахлдорлик масъулияти, сиёсий маданиятнинг амалий жиҳатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечишини назарда тутиш муҳимлиги ёритилган.

Ёшларда конструктив сиёсий маданиятнинг шаклланиши қуйидаги хусусиятларга эга эканлиги билан характерланади: 1) сиёсий маданиятнинг ҳар қандай кўриниши конструктив бўлмаслиги мумкин, бу амалий аҳамиятга

эга бўлмаган сиёсий маданият кўриниши бўлиши мумкинлигини ҳам англатади; 2) сиёсий воқеликни «нигилистик» идрок этиш ёки унга «нигилистик» муносабатда бўлиш деструктив характерга, мазмун ва моҳиятга эга; 3) ёшларда сиёсий маданиятнинг «деструктив» маъно ва мазмунга эга бўлиши жамиятдаги сиёсий ҳаётга, жараёнлар ва муносабатларда демократик тамойилларга амал қилмаслик ҳолатини ифода этади.

Диссертацияда ёш авлодга таълим-тарбия беришда таълим муассасаларининг ўрни беқиёслиги, мактабгача таълим муассасаларидан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган узлуксиз таълим тизими таълим дастурлари ва ўқув режаларига киритилган сиёсий билим ва кўникмаларни шакллантирувчи ўқув предметларининг ёшлар сиёсий онги ва маданияти шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши, таълим билан қамраб олинмаган ёшларнинг сиёсий маданияти таълим жараёнида махсус фанларни ўрганган ёшларнинг сиёсий маданиятидан фарқ қилиши исботланган.

Ёшлар сиёсий маданиятининг сиёсий плюрализмни чуқурлаштириш билан боғлиқлиги демократик тамойилларга амал қилган шароитда тўғри шаклланиши ва мустаҳкамланиб, юксалиб бориши, бунда «плюрализм», яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятгагина хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланиши миллий ғоянинг муҳим жиҳати асосида илмий таҳлил қилинган.

Сиёсий плюрализм: 1) жамиятнинг миллат манфаатларига; 2) умумбашарий қадриятларига; 3) қонун нормаларига; 4) ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги керак. Бу демократия талабларига ҳам мос келади. Турли фикрларнинг шаклланиши, қарор топиб боришига, ривожланишига сиёсий муҳит яратиб беради. Бу ёшлар олдига ўзига хос масъулиятли вазифаларни қўяди. Сиёсий воқеликдаги хилма-хил кучлар, ҳаракатлар уларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳисобга олиш ёшлардан юксак сиёсий маданиятни талаб қилиб боради. Ёшларнинг шунга тайёр бўлиши учун муайян шарт-шароитлар зарур бўлади. Бу ёшлардан: 1) сиёсий онг; 2) сиёсий билим; 3) сиёсий тажриба, кўникма ва малака; 4) сиёсий ҳаётни идрок этиш; 5) сиёсий иштирок; 6) сиёсий масъулиятни талаб этади. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишида «сиёсий плюрализм» тамойилига асосланиш муҳим. Сиёсий плюрализм тамойили эса: 1) эркин сайловлар; 2) эркин матбуотлар; 3) қонун устуворлиги; 4) шахс эркинлиги; 5) инсон эркинлиги ва манфаатларининг устуворлиги; 6) сиёсий институтлар хилма-хиллиги; 7) мафкуралар хилма-хиллиги; 8) давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига амал қилиниши орқали аниқ намоён бўлади.

Ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятида бевосита иштирок этиши бу ғоявий хилма-хилликни фарқлашга сиёсий муҳит яратади ва сиёсий маданиятнинг шаклланиб, юксалиб боришига хизмат қилади. Ёшлар ўртасидаги муқобил фикр ва тортишувнинг бўлиши осонгина, стихияли

кечадиган жараён эмас! Бу тортишувлар ҳам ўзига хос ғоявий, мафкуравий асосга эга бўлиши керак. Бошқача айтганда, «тортишиш», «баҳслашиш» учун ҳам ҳар бир партия ўзининг муқобил сиёсий фикрига, қаршига, позициясига ҳамда ўзига хайрихоҳ кучга эга бўлиши муҳим. Ёшларнинг сиёсий маданияти сиёсий партиялар орқали: 1) жамоатчилик билан алоқаларда; 2) ғоявий-маънавий, мафкуравий тадбирларда; 3) партиянинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ фаолиятида; 4) партиялараро ўзаро мулоқот ҳамда тегишли ижтимоий-сиёсий институтлар билан муносабати орқали намоён бўлади. Турли ёшга мансуб ва партияга хайрихоҳ бўлган ёшлар ҳар бир партияда қабул қилинаётган ёки кўриб чиқилаётган масалага қонунчилик билан боғлиқ лойиҳаларни киритишда ва уни жойларда, фракциялар орқали муҳокама этишда ҳамда партия фракцияларининг қонунчилик фаолиятида аниқ, амалий кўринишга эга бўлиши сиёсий маданият нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятга эга. Диссертацияда ушбу масалалар илмий таҳлил қилиниб, назарий, амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига асосланиб Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги шароитида ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишига қаратилган қуйидаги хулосалар берилди:

1) «плюрализм» тушунчасининг фалсафий ва сиёсий плюрализм билан боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олиш ҳамда фарқлаш зарур;

2) фикрлар хилма-хиллигига таянган ҳолда, унинг демократик тамойил сифатида сиёсий маданият шаклланишида муҳим омил сифатида ўрганилиши долзарблиги билан характерланади;

3) ёшларнинг сиёсий ҳаётга баҳо беришда мустақил ёндашувини сиёсий маданият даражасининг муҳим кўрсаткичи сифатида баҳолаш мумкин;

4) сиёсий маданият сиёсий ҳокимиятнинг барча институтлари ёки унинг етакчиларини шунчаки ҳурмат қилиш эмас, фуқароларнинг эркинлигини, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳурмат қилишни назарда тутати;

5) ёшлар сиёсий маданияти янги негизда ошиб, ўзгариб бормоқда. Лекин, тушуниш нуқтаи назаридан ҳар хил бўлиб, кўпроқ амалий ҳарактер касб этиши муҳим.

Тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди:

1. Ўзбекистонда фикрлар хилма-хиллиги ёшларнинг сиёсий маданияти шаклланишида ва юксалиб боришида демократик сиёсий муҳит яратати. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти соҳаларида уни янада кенгроқ жорий этиб, амалий аҳамият касб этиши учун «плюрализм», «сиёсий плюрализм» принципларининг ёшлар ҳаётида муҳим қадриятга айланишига хизмат қиладиган тадбирларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

2. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадини амалга оширишда сиёсий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар

хилма-хиллигига асосланиши борасида муайян ютуқларга эришилди. Лекин, ёшларда сиёсий ҳаётга қараш мавжуд демократик сиёсий плюрализм талаблари даражасида амалда аниқ намоён бўлмоқда, деб бўлмайди. Шунинг учун ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланишида турли хил ёндашув, қарашларнинг намоён бўлиши учун уларнинг нисбатан фаол бўлмаган қатламининг сиёсий институтларнинг ташкилий, маърифий, ғоявий тадбирларидаги иштирокини кучайтириш чораларини кўриш лозим.

3. Ёшларда хилма-хил фикрлар, қарашлар, ғояларнинг фарқига бориш сиёсий ҳокимиятга ва сиёсий институтлар етакчилари фаолиятига баҳо беришда, уларнинг конструктив руҳда, амалий жиҳатдан сиёсий маданият мезонларига, тамойилларига таянган ҳолда зарур кўникма, малака ва тажрибаларни шакллантиришини тақозо этади. Сиёсий плюрализм ёшлардан юқори савияда сиёсий маданият ва масъулиятни ҳам талаб этади. Бунга тегишли жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари таъсирини ошириб боришнинг ҳуқуқий, демократик асосларини такомиллаштириб боришга қаратилган илмий, амалий анжуманларга ёшларнинг кенг қатламини жалб этиш орқали ташкил этиш зарур.

4. Ёшларнинг хилма-хил фикрларни фарқлаш даражаси, сиёсий маданияти ҳам турли хил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий плюрализм талабларига мос демократик сиёсий маданиятнинг шаклланиши билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга дифференциал ёндашиш керак. Ёшларнинг турли фикрларни демократик қабул қилишга мойил бўлмаганларига, демократик тафаккурдан йироқ бўлган қатламга алоҳида эътибор бериш ҳамда ОАВ орқали чиқишлар, илмий-таҳлилий мақолаларни кўпроқ чоп этиш зарур.

5. Ёшлар қатламларининг турли хил мақсад ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий плюрализм ва демократик сиёсий маданиятнинг шаклланиши муаммолари бўйича Республикада илмий-назарий, амалий анжуманларни ташкил этишни тизимли, мақсадли амалга ошириш учун, унинг замонавий технологияларидан кенг фойдаланиш самарали эканлигини, бунда хорижнинг илғор тажрибаларидан ҳам фойдаланиш ҳамда миллий ғоя негизларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

6. Марказда ва минтақадаги ёшлар орасида «сиёсий плюрализм»ни демократик тамойил сифатида, сиёсий маданият конструктив амалий жиҳатларининг қарор топиб боришидаги таъсири бўйича ёшлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан суҳбат, семинар-тренингларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

7. Ёшлар сиёсий маданиятидаги ўзгаришлар динамикасини мониторинг қилиш мақсадида социологик сўровларни мунтазам ўтказиб туриш зарур. Бунда Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг фаолиятига алоҳида эътибор берилиши муҳим.

8. Глобаллашув, турли ғоя ва мафкуралар шароитида ҳамда ёшлар онгини манипуляция қилишнинг олдини олишда уларнинг хилма-хил ғоялар, мафкураларнинг бир-биридан фарқини аниқ ҳисобга оладиган фуқаролик позициясининг шаклланиши сиёсий маданият юксалиб бораётганлигининг ифодасидир. Шунинг учун унинг ҳолатини фалсафий ва сиёсий фанларда янада кенгрок ўрганиб бориш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ШАРОФА РАШИДОВА**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КЕНЖАЕВ ЗАРМАМАТ ТУЙМУРОДОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ
УЗБЕКИСТАНЕ В КОНТЕКСТЕ РАЗНОГЛАСИЙ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.3.PhD/Fal487.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Айматов Аминжан Кудратович**
доктор философских наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты: **Саидкасимов Акбар Исаханович,**
доктор философских наук (DSc), профессор
Базаров Отабек Хасанович,
доктор философских наук (PhD), доцент

Ведущая организация: **Термезский государственный университет**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании ученого совета DSc.30/30.12.2019.F.02.02 при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет имени Шарофа Рашидова Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрирована под № ____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15.Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(протокол реестра № ____ от « ____ » _____ 2022 года).

Ш.Ш.Негматова
Председатель Учёного совета по
присуждению научных степеней,
доктор философских наук (DSc), профессор

Х.А.Джуракулов
Секретарь Учёного совета по
присуждению научных степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

А.Р.Самадов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня человечество живет в век глобальной информации, поток которой увеличивается опережающими темпами. Все это естественно порождает плюрализм, то есть разнообразие мнений. Данный процесс, помимо того, что является атрибутивным свойством и требованием демократии, порождает ряд социально-философских проблем, связанных с правильным разделением в мышлении конструктивных и деструктивных целей и формированием правильного отношения к ним в условиях многообразия мнений. В связи с этим, возникает необходимость определения путей развития политического сознания граждан, с одной стороны, а с другой – разработки оптимальных моделей совершенствования политической культуры молодежи.

Теоретические исследования в мировой науке показывают, что по проблеме изучения влияния плюрализма на политическую культуру накоплены определенные знания в рамках совместных исследований разных дисциплин (политологии, психологии, конфликтологии, социологии, права, педагогики и др.). Сегодня научному сообществу необходимо проводить исследования различных моделей политического плюрализма, природы этого феномена, формирования целостного представления о субстанциональной, первичной сущности многообразия политических взглядов. В частности, в научном познании наблюдается приоритет анализа активных и пассивных форм разнообразия мнений, анализ политических и социальных аспектов формирования плюрализма. В связи с этим большое концептуальное значение для современной науки имеет научное исследование теоретико-практических аспектов феномена идейного плюрализма на основе таких философских категорий, как причина и следствие, форма и содержание, сущность и явление, возможность и действительность.

Тот факт, что общественная жизнь в нашей стране основана на разнообразии мнений, является важным фактором формирования политической культуры молодежи. Однако реализация плюрализма не является стихийным процессом. Он структурно и функционально взаимосвязан, создает уникальную политическую реальность и наполняет ее содержанием. Он служит молодым людям в повышении уверенности в себе. Исходя из этого мы должны уделять особое внимание активному участию молодежи в демократическом процессе жизни нашей страны, повышению ее политического и социального потенциала.¹

Диссертация в определенной степени служит во исполнение задач, отмеченных в таких нормативно-правовых актах, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы” от 28 января 2022 года, № ПФ-6181 “Об утверждении концепции развития гражданского общества в 2021 — 2025

¹Мирзиёев Ш. Нияти улуг халқнинг иши хам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – Б.386.

годах” от 4 марта 2021 года и № ПП-4501 “О мерах по поддержке деятельности центра развития гражданского общества” от 30 октября 2019 года, а также другие нормативно-правовые акты.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления агентства науки и технологии республики I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, формирование системы инновационных идей и путей их реализации».

Степень изученности проблемы. Актуальность различных аспектов, в том числе а) разнообразие политических институтов; б) многообразие идеологий; в) плюрализм мнений значительно усиливает внимание к исследуемой теме. За рубежом наблюдается большой интерес к этим вопросам, и в этом направлении проделана важная работа. Специальное изучение молодежи как самостоятельного социального слоя в общественно-политических науках началось в 20-30-х годах XX века. В связи с этим в мировой науке проведено множество научных исследований и опубликованы их результаты. В частности, заслуживают внимания работы Маргарета Мид, Генри Героукса и Майка А. Мейлза, немецких ученых Н.С.Кона¹ и Корна Мангейма.

Много научных исследований было проведено и в странах СНГ. В частности, такие Российские ученые, как П.И.Бобочкин, А.Д.Плотников, С.А.Быков, Л.А.Журавлева, О.И.Иванов, И.Г.Васильев, С.Н.Иконникова, А.И.Ковалева, В.А.Луков, В.В.Нехаев, Г.В.Куприянова, В.И.Чупров, Ю.Зубов обосновали социологию молодежи, этнические и эстетические воззрения молодежи и оппозиционные идеологии, практику молодежной политики, положительное и отрицательное влияние молодежных организаций на развитие общества, содержание и особенности деструктивных идей среди молодежи².

